


Мухаммадюнус
ПАРДАЕВ

САБОК

(МАЪРИФИЙ ТЎПЛАМ)



МУҲАММАДЮНУС НАРДАЕВ

САБОҚ

(маърифий тўплам)

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.512.133-1

КБК 87.6

П 21

П. 21 Муҳаммадюнус Пардаев, Сябок (маърифий тўплам):
1-китоб. / – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 500 б.

ISBN 978-9943-6284-9-6

Иқтисод фанлари доктори, профессор, “Турон” фанлар академиясининг академиги Муҳаммадюнус Пардаев илмий фаолияти давомида 2000 тадан (икки мингта) ортиқ илмий-назарий, услубий, маънавий-маърифий, бадий-публицистик асарлари билан ўқувчиларга таниш.

Мазкур маърифий тўпланда битилган сўзлар ҳам ўзининг самимийлиги, халқчилиги, миллийлиги, чуқур мушоҳада ва маънога эгалиги ҳамда ўта содда ифодаланганлиги билан ажралиб туради. Ушбу битиклар инсон ҳаётида маънавий ҳамроҳ сифатида хизмат қилади. Чунки ушбу китобда инсонни иймон-этиқодини мустаҳкамлашга, комил инсонни шакллантиришга, асл қадриятларни тараннум этишга, Ватанни, ота-онани, оилани ва бутун инсонларни севишга қорлайдиган ҳикматлар ва турли мақолалар тўпланган.

Бундан ким кўп фойдаланса, шунчалик маънавий олами кенгайиб, теранлашиб боради, чунки, унинг саҳифасида муаллиф томонидан ёзилган бугунги шиддатли ўзгараётган ҳаётдан олган ибратли ҳаётий ҳикматлари билан биргаликда, асрлар давомида инсониятга хизмат қилиб келаётган ҳикматлар, ривоятлар, турли битиклар ўрин олган. Шунингдек, муаллифнинг саволларига турли касбдаги, ёшдаги кишиларнинг жавоблари ҳам берилган. Бу ҳикматлар ўқувчиларга сабоқ вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Муаллифнинг 2000 (икки минг)гача асари

УЎК 821.512.133-1

КБК 84 (50')6

Тақризчилар:

И.Мирзаев – СамДУ профессори, фил.ф.д.;

Ш.Умаров – Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқотлар маркази директори ўринбосари, “Исломшунослик, ҳадисшунослик” ихтисослиги бўйича PhD;

Т.Тугалов – Самарқанд вилояти ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ISBN 978-9943-6284-9-6

© Муҳаммадюнус Пардаев, 2021;

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

“Таълим ўлган жойда – миллат ўлади”,
Илм йўқ жойга – шайтон келади.
Шайтон бор жойдан – иймон кетади.
Иймон йўқ жойда – зулмат бўлади.

Муҳаммадюнус Пардаев


КИРИШ

Ақли расо инсон комилликка интилиб яшайди. Комил инсоннинг қалби иймон-этиқодга, меҳр-оқибат ва эзгуликка тўла бўлади. Бундай кишилар камчиликни бировлардан эмас, энг аввало, ўзидан ахтариб яшайди. Ҳаётдан иллат ёки ғурбат эмас, аксинча, ҳикмат излаб умргузоронлик қилади. Комил инсоннинг яна бир фазилати, кечиримлилиги, кўнглида адоватни сақламаслиги, камтарли ҳокисорлиги, бирор кишига ҳасад қилмасдан, ҳавас билан яшанглиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ҳеро, инсон энг мураккаб хилқат. Унинг қайси қиррасига инъир солманг, бир қараида гуё оддийдек туюлсада, унинг моҳияти чексизликка дахлдор. Шу туфайли инсон комиллигининг ҳам, тубанлигининг ҳам чегараси йўқ. Комил инсоннинг қалби эзгуликка тўла бўлади. Аксариат, ўзини билган инсонлар ҳамиша комиллик сари интилиб яшайди. Бундайлар “бешиқдан қабргача илм ахтаради”. Бу интилишда уларга шу йўлни кўрсатадиган маёқ муқаддас китобдир. Инсон ҳаётдан, атрофдаги инсонлардан, китоблардан сабоқ олиб яшайди. Мазкур рисола ҳам ҳаётдан ва китобдан “Сабоқ” олиб яшаш сирларини ўргатишга қаратилган. Ҳақийқ асарлар инсонларда айнан инсоний туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Комил инсонлар бориға шукур, йўқ бўлганда сабр қилиб яшайди. Ҳамиша интилиб, вақтни қадрлашни билади. Чунки вақт – қадириланса энг қиммат, қадириланмаса, текинга берилган неъмат. Вақтни қадрлаш учун ҳам инсон унинг қадрини билиши керак. Бунинг учун ҳам у мукаммал билимга эга бўлиши лозим. Билимли кишилар вақтнинг қадрини ва уни қадрлашни ҳам билади. Чунки инсон мақсадига эришиши учун, унга айнан вақт керак бўлади. Шу неъматдан самарали фойдалансагина ўз вақтида мақсадига эришади.

Инсон дунёқарашининг мукаммаллиги, унинг одоблилиги билан белгиланади. Мукаммал одобга эга бўлиш учун инсон дунёвий ва диний одоб-ахлоқ меъёрларини батафсил билишлиги, энг



муҳими уларга амал қилишнинг лозим. Иккаласини мукаммал билган киши Ватанига, онасига, ота-онасига, дўстларига, жамоадодларига хиёнат қилмайди, уларга нисбатан садоқатли ва самимий бўлади. Бундай фазилатга эга кишилар комилликка давогарлар бўлади. Шу туфайли мазкур тўнламда айнан инсонларда шундай фазилатларни шакллантиришга қаратилган дунёвий ва диний одобларга хос битиклар, мақолалар, ривоятлар ва ҳикматлар жамланган.

Китобнинг асосий қисмида ҳаётда учрайдиган турли саволларга турли ёшдаги, касбдаги кишиларнинг жавоблари берилган. Бунга назар солсангиз битта саволга турли кишилар турлича жавоб берганлигига гувоҳ бўласиз. Бу табиий, чунки ҳар бир киши дунёни ўзича англайди ва ўзича кашф қилади. Уларни таҳлил қилиб, ўқувчида ҳам мукаммал жавоблар шаклланиши мумкин. Алоҳида эътиборли жиҳати, шу ҳаётний саволларга жавобларни муқаддас китобларда битилган, инсонлар ҳаётида содир бўлган ва бўлаётган, турли матбуот саҳифаларида ёритилган ибратомуз воқеа ва ҳодисаларнинг киритилганлигидир. Қўйилган саволларга мос жавобларнинг ахтариб топишганлиги ҳам бу борада анча изланишлар олиб борилганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, агар ҳикматлар маълум даражада инсон ҳаётини ўнглашга ундаса, унинг барқарорлигини таъминлашда сабоқ бўлса, у миллатнинг, аял оқибат инсониятнинг маънавий мулкига айланади. Ана шундай эзгу ниятлар билан мазкур китоб саҳифалари ёзилди. Китобдаги битиклар инсонлар тафаккури оламининг кенгайишига озгина бўлса ҳам хизмат қилаолса, одамларда инсоф-диёнат, иймон ҳисси уйғонса биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардикки, манбаларда берилган материалларнинг кўпида муаллифлари кўрсатилмаган. Шу туфайли биз китобда уларнинг манбаларини кўрсатиш билан чекландик. Ким ушбу китобни ўқиб маънавий озуқа олган бўлса, савоблари номлари кўрсатилмаган бўлсада, унинг муаллифларга тегсин. Яратган Парвардигоримиз билгувчи, кўргувчи ва бергувчи зот. Унинг ҳукмига ҳавола қиламиз.

Яратган Парвардигор мазкур битикларни ўқиётган кўнгли равшан, юраги тоза, иймони бутун, китобга, демак ўзига бефарқ бўлмаган инсонларга шундай имконият бергинки, ўйлаган, орзу-умидлари, барча яхши ниятлари беками-кўст амалга ошсин. Хаёлига

келмаган яхшиликлар билан мукофотлагин. Уларни шундай асрагинки, дунёдаги барча осмону ер ёмонликлари, азоб-укубатлари, шайтоннинг мафри уларга зарар етказа олмасин. Уларга шундай бахт бергинки, дунёда энг бахтли инсонлар ҳам шу инсоннинг бахтига ҳиваси қилсин. Барча бандаларинг катори, ушбу китоб ўқувчиларини ҳам ўз паноҳингда асрагин.

Яратганинг марҳаматига лойиқ бўладиган, инсонларни яхшилик томон ўзгартиришга хизмат қиладиган эзгу ишлар, сўзлар ва ҳаракатлар орқали, уларга ўрнак бўладиган амалларни бажарган инсонлар юриш-туришлари ва гаплари билан сабоқ бўлиб хизмат қилади. Инсон кўпинча ўзи йўл қўйган ва ўзи қилган хатолардан сабоқ олиб яшайди. Аммо бу хатолар жуда “қимматга” тушибди ҳам мумкин. Шу туфайли ўзининг хатосидан эмас, балки ибратли ҳаракатлардан китоблардан сабоқ олиб яшашга ўрганишимиз лозим. Бунинг ягона йўли ҳаётни синчиқонлик билан кузатиш ва кўплаб китобларни ўқишдан иборат. Айнан кўлингиздаги китобда инсонларга сабоқ бўладиган мисоллар, ҳикматомуз гаплар, турли инсонларнинг фикрлари ва ривоятлари ёритилган.

Дунёнинг ишларини англаш, улардан фойдаланиш йўлларини билиш билимдир. Бу ҳақда Балхийнинг ибратли тўртлигини келтириш мумкин:

“Тўқиш-йиғириш ҳам билим бирладир,
Дунёни топиш ҳам билим бирладир.
Ҳаётни ўтказса ўрганиб сабоқ,
Устоз ҳам, шогирд ҳам ҳеч бўлмас нўнок”.

Ҳаётдан сабоқ олиб яшаш ҳам билим биландир. Шундай қилиб, мазкур маърифий рисола, маълум маънода сабоқ берувчи манба бўлиб, ўзига бефарқ бўлмайдиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ушбу манбани тўплаб, сизга тақдим этганлигимиз учун биздан, ўқиб маълум маънода маънавий манфаат олганлигингиз учун сиздан Аллоҳ рози бўлсин.

Қадрини билган қадирдонларим, Ушбу китобни Сизларга ҳаётда амал қилиш лозим бўлган ҳаётӣ ўғитларим билан бошлашни мақсад қилдим. Ушбу битикларнинг ҳаммаси ҳаётни таҳлил қилиб шу ёшимда қилган хулосаларим.

Марҳамат танишинг:

Ҳозир ўзингизни англаб турибсизми, шукур қилинг. Ўтган вақтга пушаймон еманг. Афсус билан вақтни орқага қайтариш имконияти йўқ. Ҳозирдан бошлаб икки дунё саодати учун япашни режалаштиринг.



Нима қилишни режалаштирган бўлсангиз, унга эришишни айнан шу дамдан бошланг. Эртага қиламан деб бутунни орзу билан ўтказиб, энг қимматли вақтни бой берманг.



Дунёни англашга ҳаракат қилинг. Бунинг учун ўқинг. Ҳар куни битта нарсa бўлса ҳам ўрганинг. Ўрганганингизга амал қилсангиз, режаларингизни амалга ошириб бошлайсиз.



Бирор хайрли ишни бошламоқчи бўлсангиз, ҳеч маҳал энди кеч бўлди деманг. Сизга бу ишни бутун бошлашингиз керак бўлган. Бугундан эътиборан Яратган Парвардигоримиз Сизни саодат йўлига бошлагандир. Буни унутманг.



Бир нарсани ўрганишга бутун иштиёқ уйғонди. Аммо бу катта меҳнат талаб қилади. Асло чўчиманг, бундан қайтманг. Машаққатли меҳнат вақтинча. Агар ўрганмасдан билимсиз қолсангиз машаққатли меҳнатингиз абадий, аммо икки дунёда ҳам ялчимайсиз.



Вақт орқага қайтмайди, шу вақтдаги имконият бошқа вақтда ва бошқа жойда бўлмаслиги мумкин. Ҳеч маҳал имкониятни бой берманг.



Ўқини, ўрганиш ёқмайдиган одамларнинг иштаҳаси ҳам шундай эмасда. Одамнинг иштаҳаси, нафси кучли бўлади ва шунга яраша меҳнат қилиш керак. Меҳнат самарали бўлиш ва нафсини тўлиқ

кондириш учун ўқиш ва ўрганиш керак. Ўқиш лозимлиги бешикдан то қабргача бежиз қайд этилмаган.



Одатда машаққатли меҳнат қилмаган одам, яйраб роҳатланишнинг ҳам таъмини яхши ҳис этмайди.



Ўқишнинг ҳам самарадорлигини англаш учун ўзингизни бошқаришдан бошланг. Ўзингизни мукаммал бошқараолмаяпсизми, демак, Сизда билим кам, иймон суст. Демак, ҳали кўп ўқишингиз керак.



Ойликни кутиб, маблағни бир ойга тақсимлаб ишлатишдан кўра, ҳар куни ҳалол йўл билан топиб ишлатган яхши самара беради.



Билинг ҳозирги вақтингиз қайтиб келмайди, шу он ҳеч маҳал такрорланмайди. Шу онни ниманингдир интиқоси, деб эмас, қандайдир бир яхшиликнинг бошланиши, деб қараб, яхши ният билан янаша киришинг.



Бу дунёни деб иймондан кечманг. Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га ҳам бевафолик қилган дунё бу. Агар инсонни сақлаб қолиш мумкин бўлганда Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни сақлаб қолган бўлар эди.



Вақт ўтсин, деб бирор нарсани кутманг. Вақт ўтмайди, ўз измида давом этади, аммо Сиз ўтиб борасиз. Фурсатни бой берманг.



Ҳамма режаларни ўз вақтида бажаришга улгуриб боришингиз керак, акс ҳолда булар Сизни орқада қолиб кетишингизга сабабчи бўлади.



Ҳеч маҳал зўрман, бойман деб, ўзингиздан кетманг. Не-не зўрларнинг боши эгилганини, не-не бойларнинг хору зор бўлганликларига гувоҳ бу дунё.



Аллоҳдан, охиратдан, қиёмат азобидан кўрқсангиз Сиз ёлғонни гапиришдан тийилинг. Ёлғон гапириш иймонсиз одамларгагина хос одат эканлигини унутманг.



Абадий ҳаётнинг жаннат деган неъматлари турганда, бу фоний дунёда қолиб кетадиган мулкка, сахта обрўга ва орзу ҳавасларига талашмайлик. Жамиятга, миллатга, инсонларга, инсониятга яхшилик қилиб, жаннатдан жой олишга талашайлик.



Нафсимизнинг ҳукмига итоат қилиб, бировнинг, етимларнинг ҳаққини емайлик. Еб қўйсангиз қайтариш қийин. Нафсимизни бошқарадиган шайтонга қул бўлиб қолмайлик.



Сизга берилган вақт – жуда катта имконият, Аллоҳнинг неъмати. Фойдалансангиз Сизнинг ҳам неъматингиз шу.



Борлигингизга, Сизга берилган имкониятларга ҳамиша шукур қилинг. Сиз тенгиларнинг қанчаси бугун ёнингизда йўқ. Қанча одамларда Сиздаги имконият ҳам чекланган. Бир назар солинг ва шуқроналик билан яшанг.



Ким хотиржам яшашни хоҳласа сийратидан ҳасад ва кибрни бутунлай ҳайдасин.



Ҳаётнинг ўлчови, савобларнинг миқдори умр узунлигида эмас, сиз ундан қандай фойдалана олганингиздадир. Узоқ умр кўриб савоб ишлар қилмасдан, ўзига яхшиликни раво кўрмай ўтганлар қанча.



Қисқа умрида қанча савоб ишлар билан ўзига яхшилик қилиб, жаннатдан қаср қуриб олганлар қанча? Сиз иккинчи тоифага киришингиз учун юқоридаги ҳикматларга амал қилинг.



Куёш дунёни ёритади, киздиради, бутун мавжудодга қувват беради, аммо у ҳар куни тоғда чиқиб, кечқурун ботади. Чиқишида ҳам, ботишида ҳам нури ўткир, қуввати зўр бўлмайди. Буни инсон ҳаётига қиёс қилиб кўринг. Хулоса ўзингиздан.



Бугунги хўжайиннинг аждоди қул бўлган, бугунги қул даража-сидаги инсоннинг аждоди хўжаин бўлган бўлиши ҳам мумкин. Одамнинг қандай бўлиши, унинг луқмасининг ҳалоллигига боғлиқ.



Ўзимни мозийнинг бағрига урдим,
Ва шу он шукрона айтиб қайтдим мен,
Кимдир кўрмай кетган бахтни мен кўрдим,
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен.

Мени кутаётир ажиб келажак,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак,
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.

Абдулла Орипов



Азизларим!!!
Янги кун келади у ҳам ғанимат
Тилагим ҳақ сари интилиб қолинг
Чиқариб юракдан бенаф оловни
Ўрнига илму гавҳарни солинг...



ШЕЪРЛАР

ИЙМОН НАДУР?

Парвардигор муслимни
Бахтли қилиб яратган.
Жаннатга йўл кўрсатиб,
Беш арконни таратган.

Бигта нарса аёнки,
Бахт йўлини билмаймиз.
Бахт – машаққат маҳсули
Шунга амал қилмаймиз.

Менга иймон келтириб,
Тавба қилгин, дейишди.
Аммо иймонни сотиб,
Мушрик бўлиб ейишди.

Бигта нарса аёнки,
Иймон нима билмаймиз.
Иймон – оқил озиғи,
Шунга амал қилмаймиз.

Иймони йўқ одамлар,
Яратганини тан олмас.
Қани менга кўрсат дер,
Қалби кўр, назари паст.

Бигта нарса аёнки,
Яратганини билмаймиз.
Қатран дурдан бино
Бўлиб, амал қилмаймиз.

Арконларнинг олийси –
Намоз ўқи, дейишди.
Беш кунлик сафони деб,
Ўкимасдан қўйишди.

Битта нарса аёнки,
Намозни ҳам билмаймиз.
Охират ободлиги —
Шунга амал қилмаймиз.

Ўқимасак намозни
Пулисирот хатарли.
Хой банда, амал қилсанг,
Жаннат сенга етарли.

Битта нарса аёнки,
Илм-амални билмаймиз.
Жаннатни орзу қилиб,
Шунга амал қилмаймиз.

Яна бир улуғ аркон,
Рўза — кўнгиш ризоси.
Нафсу иймон покланар,
Бўлмаса гар қазоси.

Битта нарса аёнки,
Рўза нима, билмаймиз.
Ўшқон нафсининг қули
Бўлиб, амал қилмаймиз.

Эътиқодинг бут бўлса,
Бир йилда бир ой рўза.
Бандаларга ибрат бўл,
Ўқимасдан маъруза.

Битта нарса аёнки,
Шунга амал қилмаймиз.
Мўрчаларга танзимиз
Емиш бўлар, билмаймиз.

Закот деган аркон бор,
Ҳалоллайди молингни.
Амал қилсанг рўзингда,
Яхшилар аҳволингни.

Битта нарса аёнки,
Закот нима, билмаймиз.
Қурумсоқ банда мисол
Элга эҳсон қилмаймиз.

Бу дунёнинг матоҳи,
Кўринар жозибадор.
Закот — уволнинг марғи,
Кўнглингда бўлмас ғубор.

Битта нарса аёнки,
Ҳаром-ҳалол билмаймиз.
Бир камбағал мардумга
Садақа ҳам қилмаймиз.

Ҳажга бориш фарз эрур,
Ҳар бандага буюрсин.
Қурби етган бандалар,
Байтуллоҳда ҳам юрсин.

Битта нарса аёнки,
Ҳаж нимадир, билмаймиз.
Дунё бўйлаб кезамиз,
Ҳаж сафарин қилмаймиз.

Ҳожилик — ҳокисорлик,
Дили Аллоҳга ёрлик.
Яратганга аёндир,
Таъна қилиш зиёндир.

Битта нарса аёнки,
Зиёнлигин билмаймиз.
Кибрлик — куфрликдир,
Шунга амал қилмаймиз.

Намоз жума издиҳом,
Тинглайди амри-маъруф.
Имом гўр-қиёматдан,
Ҳаётга берар таъриф.

Битта нарса аёнки,
Бу не фано, билмаймиз.
Йўлидан адашганга
Амри-маъруф қилмаймиз.

Билсанг, эй ғофил банда,
Жумада жаннат аён.
Дунё иши деб бир кун,
Ҳаётинг бўлур поён

Битта нарса аёнки,
Вақт қадрига етмаймиз.
Иймонимиз бут бўлса,
Кўзи очик кетмаймиз.

Худонинг каломидан,
Ҳадиси шарифдан ҳам,
Кўн йиллар жудо бўлдик,
Чекмадик заррача ғам.

Битта нарса аёнки,
Ҳадисга йўқ тобимиз.
Мол-дунёдан иборат
Ўқиган китобимиз.

Ибодат қилса ҳар ким,
Қамолотга етади.
Худого нола қилиб,
Иймон билан ўтади.

Битта нарса аёнки,
Ибодатни билмаймиз.
Ҳой-ҳавасга берилиб,
Ҳаққа сажда қилмаймиз.

Қазо фасли бир кун бор,
Ҳаёт йўли шундай тор.
Ғариб бошинг зада еб,
Бир кун бўлур ошпоқ қор.

Битта нарса аёнки,
Умр ўтди, сезмаймиз.
Бир оёгинг гўрда, ҳой,
Десалар ҳам безмаймиз.

Тўй-ҳашам бизда бисёр,
Кўплари бўлар такрор.
Даври даврон сурамиз,
Барча неъматлар бисёр,

Битта нарса аёнки,
Тўй-ҳашам вақтинчалик.
Дилда ёр зикри бўлса —
Насиянг нақдингчалик.

Яратгандан тилаклар,
Ижобати мукаррар.
Кўнгилдаги истаклар,
Саодатга етаклар.

Битта нарса аёнки,
Тилакни ҳам билмаймиз.
Тинмасдан ишлаб турган
Юракни ҳам билмаймиз.

Бошлиқ бир калом айтса,
Пойи-патак бўламиз.
Ёт ёки тур, деганда,
Ўл, деганда ўламиз.

Битта нарса аёнки,
Бизга бошлиқ — Яратган.
Қолгани таъма билан
Ўз кўлига қаратган.

Ҳаммамизни яратган,
Ўзи-ку Парвардигор.
Шундай қудратли зотки,
Тўқсон тўққиз исми бор,

Битта нарса аёнки,
Ғафлатини тан олмаймиз.
Ўзи кечирсин, дея,
Ўз билгандан қолмаймиз.

Биз ғофил бандалармиз.
Энди тавба қилайлик.
Ғуноҳимиз кечирсин,
Мўминлардан бўлайлик.

Битта нарса аёнки,
Тавбани ҳам билмаймиз.
Оғир дамда Худо деб,
Кейин тавба қилмаймиз.

Худо ёрлақганда,
Азиз бўлар ҳар банда.
Ғуноҳдан фориг бўлар,
Эл ичра болиғ бўлар.

Битта нарса аёнки,
Ғуноҳларни ювдикми?
Тайёрмизми барига,
Ғуборларни кувдикми?

Ғуноҳқормиз, биламиз,
Энди бўлайлик фидо.
Чин дилдан сўрағаймиз.
Бизни кечирсин Худо.

Битта нарса аёнки,
Фидоликни билмаймиз.
Умр – ўтар қарвон бу,
Жудоликни билмаймиз.

Иймон ишга тушса гар,
Покланамиз муқаррар.
Худойим ҳам кечирар,
Тавба қилолсак агар.

Битта нарса аёнки,
Покланишни билмаймиз.
Қароликки эш бўлиб,
Окланишни билмаймиз.

Бешта аркон борлигин,
Жуда яхши биламиз.
Арконларни бажариб
Кўнгилни хуш қиламиз.

Битта нарса аёнки,
Оқибатни билмаймиз.
Лавҳ-ул маҳфуз саҳфида
Келган хатни билмаймиз.

Исломда қирқта фарз бор.
Ўйлаб кўрмадик зинҳор.
Ўру кирга кўп чопдик,
Бўлди ҳаммаси бекор.

Битта нарса аёнки,
Лавҳ-ул маҳфуз не бўлса?
Бу — толедаги ёзиқ,
Аён паймонанг тўлса.

Эй биродар, сергак бўл,
Ҳаёт — синовли майдон.
Кўп бўлма балогардон,
Тош бошинг бўлсин омон

Битта нарса аёнки,
Тилак қилмоқ одатдир.
Аҳли байтинг тинч бўлса,
Бебаҳо саодатдир.



БАЙТУЛ САОДАТ ҚУТЛУҒ

(Ҳожи биродарларга)

Ҳаж сари ният қилсанг,
Соғлигу, молинг бўлсин.
Иймонинг бутун бўлиб,
Ҳожилик насиб қилсин.
Шу дамлар бўлди улуг,
Байтул саодат қутлуғ.

Олпоқ эхромни кийиб,
Ҳожилик насиб этди.
Ибодат билан ҳар кун,
Бир ой ҳам ўтиб кетди.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Етдик шаҳри-Мадина,
Жаннат-Равзага кирдик.
Набавия бағрида,
Ибодат бажо қилдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Расулга салом бериб,
Қабрин қилдик зиёрат,
Саҳобага салламно,
Шудир қатга ибодат.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Мадинада турганда,
Ухуд тоғини кўрдик.
Қиблатайн масчиддан,
Қаъбага қараб юрдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.



Маккани тавоб килиб,
Байтуллоҳга юз бурдик.
Лаббайкани жўр айтиб,
Айни фарз адо қилдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Тавоб қилиб Каъбани,
Оби зам-зам нўш қилдик.
Иймон нури кўнгилда,
Қалбни ялангтўш қилдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Мино водийсин кўрдик,
Арофатда ҳам турдик.
Муздалифа улуг жой,
Ибодат қилиб юрдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Бунча гафлатда ётдик,
Қанча гуноҳга ботдик?
Ўлчов тополмай уч бор
Шайтон томон тош отдик.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Аллоҳ уйида гирён,
Милён-милён издиҳом.
Талпинар жон-жаҳдида
Ҳажр-ул-асвад томон.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуғ.

Зиёратни адолаб,
Ҳожимабур ҳам бўлдик.
Онадан туғулгандай,
Покланиб юртга келдик.

Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуг.

Ҳожимабур бандасан,
Ризқ-рўзинг ибрат бўлсин.
Ўрнатқ бўлиб барчага,
Ҳар сўзинг ҳикмат бўлсин.
Насиба бўлди улуг,
Дорус-саодат қутлуг.



УСТОЗЛАР БАЙРАМИ

Байрамларнинг сараси,
Бугун устозлар куни.
Ҳамон қалам қогоз-ла,
Бедор ўтмоқда тунни.

Бундай яшаш аслида,
Яратгандан иноят.
Тун бўйи ишлаб устоз,
Тонгда ухлар ниҳоят.

Сабрига қанот берсин,
Устоздек улуг зотга.
Ҳамду сано куч берган,
Ул ғайби қароматга.



БАХТЛИ ИНСОН

Асли шундай яратган,
Устоз деган улуг зот.
Ҳурматга лойиқ улар,
Йўқдан қиладди бунёд.

Мурғаккина ёш ниҳол,
Эт сизга, суяк бизга.